

Рамазон ойи иймонни янгилаш

18:08 / 18.06.2017 3870

Рамазон ойи иймонни янгилаш, қалбларни жонлантириш, тарқоқ фикрларни Аллоҳ томон йўналтириш, ғафлатдаги кишини кўзини очиш, унутадиган кишини хотирасини яхшилаш ва гуноҳкорларни тавба қилиши учун қулай бир фурсатдир. Барча ар-Роҳман ва ар-Роҳим сифатли Зотнинг эшиги олдида туриб, бундан олдин оталари Одам алайҳиссалом айтган қуйидаги дуо билан ёлворишади:

«Эй Роббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик. Агар Сен бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрганлардан бўламиз». (Аъроф сураси, 23-оят).